

АХБОРОТ СОҲАСИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

4. **Сиёсий соҳа:** ахборот соҳаси жамиятнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бу сиёсий воқеалар, ҳукумат фаолияти ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида эркин маълумот оқими таъминлайди. Ахборот технологиялари ва ижтимоий тармоқлар одамларга ўз фикрларини билдириш, сафарбар қилиш, бирлаштириш ва назоратни амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ахборот соҳасини ривожлантиришда кенг қўлмали натижаларга эришди. Охириги йилларда мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринни эгаллаб келаётганини кузатишимиз мумкин. Айнан рақамлаштиришнинг ривожлантириш орқали давлат бошқаруви тизимининг самардорлигини, унинг ахборот очкичилигини ошириш, фуқароларнинг қарорларини қабул қилиш жараёنларига фаол қўшилишини таъминлаш ва уларнинг фуқаролик фаолиятини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини барча тармоқ ва соҳаларга, биринчи навбатда, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигига кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари ички бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида "IT-park"ларни ташкил этиш, бу борада малакали кадрлар билан таъминлашни назарда тутувчи 300 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Республикада рақамли sanoatни ривожлантиришни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини рақамли ўзгаришга дастурларини ўз ичига олган **"Рақамли Ўзбекистон — 2030"** стратегияси қабул қилинди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ушбу стратегияни амалга оширишда:

- худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли йўналишларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш;
- иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш учун 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

Шоҳиста ТУРҒУНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Мамлакатимизда амалга оширилаётган рақамлаштириш ишларини давом эттиришда юқори малакали кадрларни тайёрлаш долзарб аҳамият касб этади.

Шу боис юртимизда кейинги йилларда рақамли иқтисодиёт ва инфратузилмани янада ривожлантиришга ҳисса қўладиган, замона талабларига жавоб берадиган, рақамли технологиялар соҳасида билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг аввало, халқ таълими соҳасида ўқув дастурлари қайта қўриб чиқилди. Хорижий ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб информатика дарсликлари тўлиқ қайта нашр этилди. Информатика фани ўқитувчилари ўз устида мунтаза ишлаб, билим кўникмаларини ошириб бориш учун уларни рағбатлантириш тизими жорий қилинди.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари иқтисослаштирилган олий таълим ташкилотлари ташкил этилди. Аҳоли, айниқса, ёшларни АКТ соҳасида билим ва кўникмаларини ошириш орқали касбга йўналтириш мақсадида "Бир миллион ўзбек дастурчиси" лойиҳаси ўқув дарсликлар материалларига синфлар кесимда сингдирилди.

Ушбу лойиҳа доирасида республика миқёсида таълим олганларнинг сони 2 миллиондан ошди. Уларнинг 1 миллион 175 минг 933 нафари сертификатларга эга.

Мазкур лойиҳанинг навбатдаги boskichi — "Coursega" онлайн курсларида ҳам ёшлар учун таълим олиш имконияти яратилди. 2023 — 2025 йилларда платформада 1,2 млн. ёшларни бепул ўқитиш учун 10 мингта лицензия сотиб олиш режалаштирилмоқда. IT-паркнинг 205 та Рақамли ўқув марказларида эса 169 минг тингловчилар ўқитилди.

Бахтиёр МАНИЯЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан таракқий этиши юртимизда рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес ва электрон тижоратни назарда тутувчи рақамли иқтисодиётни ривожланишига туртки бўлмоқда.



давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш каби вазифалар кўзда тутилган.

Ягона порталда қўшимча 36 турдаги хизматлар яратилган бўлиб, улар онлайн тарзда тақдим этилиб, умумий хизматлар сони 413 тага етказилди.

Ил охирига қадар қўшимча 164 турдаги электрон хизматлар жорий этилишни режалаштирилган. Ягона портал фойдаланувчилари сони 6,3 млн. нафардан ошди. "Электрон ҳукумат" идоралараро платформасига ҳамми 120 та ахборот тизимлари интеграция қилиниб, давлат идоралари ўртасида 840 миллиондан ортиқ маълумотлар алмашинуви таъминланиши натижасида биргина қоғоз ва транспорт харажатлари учун 36 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.

Давлат бошқаруви ва иқтисодиёт тармоқларини рақамли трансформация қилиш доирасида 31 та лойиҳа амалиётга жорий этилди. IT-хизматлар экспортини ошириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида республика бўйлаб жами 18 та масофавий хизматларни кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Жорий йилда "IT-park"нинг резиденти бўлган хусусий ўқув марказлари сони 52 тага кўпайиб, 278 тага етди.

Аҳолига енгиллик яратиш мақсадида интерактив давлат хизматлари Ягона порталида электрон хизматлар сони 406 тага, мобиль иловалар эса 180 тага оширилди.

Оммавий коммуникацияларнинг ривожланиши билан аънаваний босма оммавий ахборот воситалари электрон форматга ўтиш орқали ҳам тезда ахборот соҳасининг бир қисмига айланди.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ОАВ сони каррасига ўсди. 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида юртимизда 632 та газета, 623 та журналлар, 18 та бюллетен, 6 та ахборот агентлиги, 84 та ТВ, 32 та радио ва 745 та веб-сайтлар фаолият юритмоқда.



тибга солиб, соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилгати.

Натижада юртимизда сўнгги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари хизматлари ҳажми 6,2 трлн. сўмни, шу жумладан, IT-хизматлар ҳажми 2,4 трлн. сўмни ташкил этди. Соҳада хизматлар экспорти 96,1 млн. доллар, жумладан, IT-хизматлар экспорти 57,2 млн. долларни ташкил қилди.

Гулбахор САИДФАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган демократик жамиятни сўз ва ахборот эркинлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сўнгги етти йилда юртимизда сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада мустаҳкамлаш бўйича улкан ишлар қилинди.

Биргина 2020 йилда Жиноят кодексидан тухмат ва ҳақорат учун озодликдан маҳрум қилишнинг назарда тутувчи норма чиқариб ташлангани бутун дунё ҳамжамияти томонидан олқишланди. Юртимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари сони сезиларли даражада ошган ҳолда уларнинг сони 2 минг 140 тани ташкил этди.

ОАВ фаолиятини либераллаштириш ва журналистлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ва "Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунарга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми яратилди.

Эътиборли жиҳати, ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилиб, унинг муддати 15 кундан 10 кунга қисқартирилди. Бундан ташқари, 2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 июлгача ОАВ даромад солиғини белгиланган

Хозирги кунда миллий оммавий ахборот воситалари жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб, қуйдаги вазифаларни амалга оширишда иштирок этмоқда:

1. **Ахборот узатиш:** оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаларидан бири жамиятнинг ахборот билан таъминлашидир. Улар долзарб воқеалар, янгиликлар, ҳаётнинг турли жиҳатлари, сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳалар ҳақида маълумот беришади. Оммавий ахборот воситалари мустақил ахборот манбалари бўлиб, фуқароларга нима бўлаётганидан хабардор бўлиш ва асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

2. **Ҳокимият назорати:** оммавий ахборот воситалари давлат органлари фаолиятини назорат қилиш функциясини бажаради. Улар ҳукумат, сиёсатчилар, ҳокимият ва бошқа давлат муассасаларининг ҳаракатларини кузатиб боради. Оммавий ахборот воситалари ўз фаолияти орқали коррупция, қонун ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига қарши чиқишга интилоқда. Бу жамиятда шаффофилик, масъулият ва демократик таъминланишни сақлашга ёрдам беради.

3. **Жамоатчилик фикрини шакллантириш:** оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир қилади. Улар турли нуқтаи назарларни тақдим этадилар, воқеаларни таҳлил қиладилар ва шарҳлайдилар, фуқароларга уларни муҳокама қилиш ва ўз фикрларини билдириш имконини беради. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этишга, хабардорликни оширишга ва жамоатчилик тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради.

4. **Маданият ва таълимни ривожлантириш:** оммавий ахборот воситалари маданият ва таълимни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Улар санъат, адабиёт, кино, мусиқа ва бошқа маданий ифода шакллариинг турли жиҳатларини акс эттиради. Оммавий ахборот воситалари, шунингдек, таълим ва ўз-ўзини тарбиялашга ҳисса қўшадиган таълим дастурлари, ҳужжатли филмлар, илмий тадқиқотлар ва бошқа фойдали маълумотларга киришни таъминлайди.

5. **Иқтисодий тараққиёт:** оммавий ахборот воситалари иқтисодий ривожланишга сезиларли таъсир кўрсатади. Улар корхоналар учун реклама майдонларини тақдим этади, товарлар ва хизматларни тарғиб қиладилар ва медиа соҳасида янги иш ўринларини яратадилар. Оммавий ахборот воситалари, шунингдек, тадбиркорлар ва инвесторларга бозорлар, тенденция-

лар, молиявий воситалар ва иқтисодиётнинг бошқа жиҳатлари тўғрисида маълумот олишга ёрдам беради.

Ушбу жиҳатлар кўрсатадики, ОАВ хабардорлик, гоёларни эркин алмашиш, ҳокимият устидан назорат ҳамда маданий ва таълим имкониятларининг хилмахиллигини таъминлашга таъсир кўрсатиш билан ҳозирги жамият учун сезиларли аҳамиятга эгадир.

Миллий масс-медиа тараққиёти қуйдаги кўрсаткичлар билан характерланади:

- ахборот муҳитини янада ривожлантириш ва фойдаланувчиларнинг медиа ресурслардан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- шахсий маълумотларнинг ахборот хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлаш;
- рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда аҳолига кўрсатилган хизматлар турларини кенгайтириш;
- рақамли саводхонликни ошириш.

Аҳолига интернет ресурсларидан юқори сифатли юқори тезликда фойдаланиш имкониятини таъминлаш давлатнинг рақамлаштириш сиёсатидаги сиёсатининг устувор вазифаларидир.

Буларнинг барчаси самарали ҳуқуқий маконни шакллантиришни талаб қилади. Шу муносабат билан 2016 йилдан буён мамлакатда ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёнларини янада ривожлантиришга қаратилган ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги, "Почта алоқаси тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Давлат харидлари тўғрисида"ги каби муҳим қонунлар бор.

Янги тахрирдаги Конституцияда ҳам фуқароларнинг ахборий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган янги нормалар ўз аксини топти.

Шу нуқтаи назардан айтганда, ахборот соҳаси ривож бўйича Ўзбекистон давлат сиёсати марказида энг муҳим устуворликлар сифатида қуйдаги масалалар қолади:

- давлат бошқаруви тизими, бизнес ва фуқаролик жамияти ривожига ва замонавий рақамли технологиялар билан таъминлашга инвестициялар ҳажмини ошириш;
- рақамли бизнесни юритишнинг институционал асосларини янада ривожлантириш;
- ахборот соҳасида бизнеснинг инновацион соҳаларини ривожлантириш;
- рақамлаштириш бўйича аҳолининг саводхонлигини ошириш бўйича таълим дастурларини амалга ошириш;
- киберхавфсизлик асосларини кучайтириш;
- ахборот муҳитининг қуйлиғи ҳисобига ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Юртимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳамда аҳолига кўрсатилмаётган давлат хизматларини рақамлаштириш, худудларда мобиль алоқа ва мобиль интернет қамровини кенгайтириш, мобиль инфратузилмани ривожлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунки глобал пандемиянинг бошланиши билан рақамли технологияларнинг роли сезиларли даражада ўсди. Бу эса рақамли трансформациянинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун муҳимлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий ислохотлар доирасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги негизда Рақамли технологиялар вазирлиги ташкил этилди.

"Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили асосида 2022 йилда Ягона порталда жорий этилган давлат хизматлари сони 370 тага етказилган бўлса, 2023 йилда яна қўшимча 200 та электрон хизматлар жорий қилинишни режалаштирилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда "Электрон ҳукумат"нинг асосий принципларидан бири электрон хизматларни "бир дарча" тамойили асосида, яъни электрон ҳамкорлик асосида кўрсатиш белгиланган бўлиб, ушбу йўналишда фуқаролардан 70 дан ортиқ ҳужжат ва маълумотномаларни талаб қилиш амалиёти, шунингдек, 38 турдаги электрон давлат хизматларидан фойдаланишда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаби бекор қилинди.

Умуман олганда, кейинги йилларда бу соҳага катта эътибор қаратилмаётгани беҳиз эмас. Зеро, рақамли экотизимга, IT инфратузилмасига ва электрон хизматларга инвестициялар миллий иқтисодиётини янада модернизация қилиш ва барча соҳаларда иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга хизмат қилади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ПРЕЗИДЕНТЛИККА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШМОҚДА



Ушбу эксперт гуруҳлари томонидан Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1067-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзолари тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текшириш тартиби тўғрисидаги низоми талабларига қатъий риоя қилган ҳолда сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текшириш жараёни бошланди.

Марказий сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи эксперт гуруҳлари билан ҳамкорликда қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган барча ҳужжатларни

текшириб чиқади ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар, шу жумладан, номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари қонунчилик талабларига мувофиқ бўлса, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ҳақида қарор қабул қилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган Календарь режага мувофиқ сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш ҳақида Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этишнинг охириги муддати 2 июнь ҳисобланади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўрганиш

ЎРМОНЗОРЛАР СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуннинг ўрмонларни қўлайтириш, қайта тиклаш ва уларнинг махсусдорлигини оширишга оид нормаларни ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида Наманган ҳамда Самарқанд вилоятлари мисолида ўрганиш якунларига бағишланган йилгилиш ўтказилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ўрмонлар муҳофазаси, уларни қўлайтириш, қайта тиклаш, "яшил майдон"ларни кенгайтириш ишларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда Ўрмон ҳўжалиги агентлиги тасарруфидан бўлган ўрмон фонди ерлари майдон республика бўйича 11,8 миллион гектарни ташкил қилади. Шундан, Наманган вилоятида 151,4 минг гектар, Самарқанд вилоятида эса 70,3 минг гектар ўрмон фонди ерлари мавжуд.

Ўрмон фонди ерларининг ўрмон билан қопланганлик даражаси кўрсаткичи ўрмон ҳўжалигида муҳим фаолият индикатори бўлиб, ҳозирги кунда мазкур кўрсаткич мамлакатимизда 5,3 млн. гектарни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига асосан ўрмон фонди ерлари майдонини 14 млн. гектарга, шундан ўрмон билан қопланган ерларни 6 млн. гектарга етказиш белгиланган. Утган қисқа даврда эса бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Худудларда ўрмонларни тақрорий қўлайтириш, уларнинг тур таркибини яхшилаш, ўрмон мелiorацияси ва ўрмонларни плантация усулида етиштириш ишлари амалга оширилган. Ўрмон ерларидаги дарактларнинг инвентуризацияси ўтказилиб, қуриган қўчатлар ўрни тўлдирилган.

Шунингдек, республикада 2022 йилда ўрмон фонди ерлари жами 233 минг гектар майдонда ўрмонларни қўлайтириш, жумладан, 113 млн.

дона ниҳол ва қўчатларни етиштириш, 1 минг тонна даракт ва буталларнинг уруғларини тайёрлаш ва бошқа тадбирлар амалга оширилган.

Биргина Наманган вилоятида 2022 йилда 6,2 млн. дона ниҳол ва қўчатлар етиштирилган бўлса, жорий йилда ниҳол ва қўчатларни етиштириш мақсадида 18 гектар майдонда ниҳолхона ва қўчатхоналар ташкил этилган. Утган йилда 930 гектар, бугунги кунда эса 80 гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилган.

Самарқанд вилоятидаги ўрмон фонди ерларида эса худуднинг иқлим шароитга мос ўсимликлар, жумладан, қрим қарағачи, заранг, террак, тол, павловния, қайроғоч ҳамда бошқа даракт ва буталар етиштирилган. Масалан, 2022 йилда 11,1 млн. дона ниҳол ва қўчатлар етиштирилган бўлса, жорий йилда 35 гектар майдонда ниҳолхона ва қўчатхоналар барпо этилган. Утган йилда 1427 гектар, 2023 йилда 331 гектар майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш ишлари йўлга қўйилган.

Йилгилишда депутатлар томонидан қонун ижросини амалга ошириш бўйича соҳада муайян ишлар амалга оширилиши билан бир қаторда ўрмонларни қўлайтириш, қайта тиклаш ва уларнинг махсусдорлигини ошириш ишлари амалдан қўйилган. Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига асосан ўрмон фонди ерлари майдонини 14 млн. гектарга, шундан ўрмон билан қопланган ерларни 6 млн. гектарга етказиш белгиланган. Утган қисқа даврда эса бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Худудларда ўрмонларни тақрорий қўлайтириш, уларнинг тур таркибини яхшилаш, ўрмон мелiorацияси ва ўрмонларни плантация усулида етиштириш ишлари амалга оширилган. Ўрмон ерларидаги дарактларнинг инвентуризацияси ўтказилиб, қуриган қўчатлар ўрни тўлдирилган.

Шунингдек, республикада 2022 йилда ўрмон фонди ерлари жами 233 минг гектар майдонда ўрмонларни қўлайтириш, жумладан, 113 млн.

«Халқ сўзи».

ЖАНУБ ОФТОБИ ВА ОНА ЗАМИН САХОВАТИ

1 Салкам 30 йилдан буйён халқимиз дастурхонини полиз маҳсулотлари билан тўкин қилиб келаётган Улугбек Жуманазаров қамтарлик қилиб, ўзининг заҳматли меҳнати ҳақида тўхталмади. Кўкдала тарвузининг сертаъмлилиги бир жиҳатдан соҳибкорларнинг сабр-тоқати, матонати, ақл-идроқи ва меҳнатсеварлигига боглик десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Қолаверса, она юртга муҳаббати чексиз, муқаддас заминга меҳри баланд, келажакка ишончи устувор кишилар меҳнатида доим унум ва барака бўлади.

Бўлмаса, Улугбек Жуманазаров 5 гектар ерда 120 тонна тарвуз хирмони яратиб, 300 миллион сўмлик даромад кўрармиди? Қишнинг изғиринида тарвуз кўчатини меҳр тоғи ила илитиб, баҳорда плёнка остида парваришлаб, элга шунча ризқ улашармиди? Айтинг-айтинг, шундай миришкорлар сафи кенгаверсин! Уларнинг хирмони баракага, элнинг дастурхони ноз-неъматларга тўлаверсин!

Айтмоқи, Улугбек Жуманазаров эртаги тарвуз етиштиришни кашф қилган полизчилардан бири ҳисобланади. У аввалбошданок қақраб ётган ернинг унумдорлигини кўриб, тажриба сифатида тарвуз экиб кўрди ва бу ўзининг самараларини берди. Шундан бўлса керак, у ҳозирги кунда Тарвуз-қовун етиштирувчилар Қашқадарё вилояти асоцияси раҳбари сифатида нафақат кўкдаланик, балки бошқа ҳудудлардаги полизчиларга керакли тавсия ва ёрдамини кўрсатиб келмоқда.

— Утган йили Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев янги ташкил этилган Кўкдала туманига келганида, бизнинг меҳнатимизга юксак баҳо бериб, тарвузчиликда томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш, электр таъминотини яхшилаш учун трансформаторларни янгилаш ва бошқа бир қатор муаммоларни бартараф этиш борасида мутасаддиларга топшириқлар бер-

ган эди, — дейди Улугбек ака. — Ана шу кўллаб-қувватлов самараси ўлароқ, бу йил Кўкдала туманида 12 минг гектар ўрнига 20 минг гектар ерда тарвуз етиштирилди. Томчилатиб сугориш йўлга қўйилгани туфайли нафақат сув, балки электр энергияси ҳам уч баравар тежалди. Маҳсулотни экспортини туман бўйича ўтган йилги 60 тоннадан 100 тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Энг қувонарлиси, бу йил ўтган йилдагига нисбатан тарвуз 5-6 кун эртaroқ етилди ва дала соҳибкорлари кўраётган даромад ҳам анча-мунча кўпайди.

Туманда тарвуз етиштирувчилар жуда кўп, аммо “Кўкдала”, “Ўтамайли”, “Сой-бўйи”, “Олтин дала” ва “Олтин бошoқ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тарвуз экиб, деҳқончилик қилмаган бирорта хонадон топилмади. Хатто баъзи оилалар 15-20 сотих томорқасида ҳам эртаги тарвуз экиб, яхшигина ҳосил кўтаришадди.

2022 йилнинг май ойи бошидан ноябрь ойи охиригача бўлган даврда Ўзбекистонда 18,1 миллион долларлик 81,8 минг тонна тарвуз экспорт қилинган ва бу кўрсаткич 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробар кўп экани соҳага эътибор ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Кўкдала туманида 120 — 180 метр ер остида чучук сув захираси мавжуд бўлиб, бу обихаёт зилол ва шифобахшиги билан тарвузга ўзгача таъм беради.

“Кўкдала”, “Ўтамайли”, “Сой бўйи”, “Олтин дала” ва “Олтин бошoқ” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида тарвуз экиб, деҳқончилик қилмаган бирорта хонадонни топа олмайсиз.

“Кўкдала” МФЙ раиси Умар Жўлбўловнинг айтишига қараганда, маҳалладаги 800 дан ортиқ хонадонларнинг ҳар бирида эртаги тарвуз парваришланади. Ҳудудда бирорта оила йўқки, томорқаси қаровсиз қолган бўлса. Ўз ўзини банд қиливчи бу маҳалла вакилларининг томорқадан топаётган даромади оила бюджетига яхшигина ҳисса бўлиб қўшилиётди.



— Меҳнатга иштиёқ кучли бўлса, албатта, самараси тезда кўзга ташланади, — дейди У. Жўлбўлов. — Боиси, иштиёқ бор одам зукко бўлади, ҳар ишининг ҳади-

дин етилди. Намунали полизчиларимиздан Анвар Каримов 2 гектар жойдан 40 тонна ҳосил олган бўлса, Зафар Расулов 50 сотих томорқасида эртаги тарвуз парваришлади. Ва умуман, бундай мисоллари жуда кўп келтириш мумкин. Гапнинг индалоси, бир хонадон ўртача 25—30 миллион сўм атропоида даромад кўраётган бўлса, бу қамида маҳалламизда тарвузчиликнинг ўзидан 2 миллиард сўм даромад қилинаётганини кўрсатади. Туманда тарвуздан ташқари, бўлгор қалампири ҳам тажриба сифатида экилмоқда. Шунингдек, кўшимча экин тури сифатида брокколи қарами ҳам етиштириляпти. Бу экин тури ўтган йили 200 гектарга экилган бўлса, жорий йилда 500 гектарга етказиш режалаштирилмоқда. Помидор ва бодирингнинг ҳар бирининг ўзи 1 минг гектардан майдонда парваришланаяпти. Қовун ҳам экспортга йўналтириляпти. Бу янги туманда полизчилик соҳасида улкан натижаларга эришилаётганини кўрсатмоқда.

— Тажриба сифатида 1 гектар иссиқхонада бўлгор қалампири парваришляямиз, — дейди Улугбек Жуманазаров.

— Экин ривож чакки эмас. Насиб этса, 20 тонналик хирмонни мўлжалляямиз. Бу — 200 миллион сўм даромад, дегани. Айтмоқчиманки, қаловини топса, қор ҳам ёнади. Ҳамма нарсанинг йўлини топса бўлади. Муҳими — инновацион ёндашув, креатив фикрлаш, оддий айтганда, топқирлик ва иштиёқнинг кучлилиги муваффақият гаровидир.

Кўкдала туманида бу йил 20 минг гектар майдонда тарвуз етиштирилётган бўлса, шундан 9 минг гектарига эртапишар, 7 минг гектарига ўртапишар ва 4 минг гектарига кечпишар навлар экилган. Мўлжал қилинган 300 минг тоннага яқин маҳсулотнинг 100 минг тоннаси экспортга йўналтирилади. Утган йили хорижга 14 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йил бу кўрсаткични икки бараварга ошириш мўлжалланмоқда. Бундан кўринадики, кўкдалалик миришкор деҳқонлар ҳам эл дастурхонини файзли қилиб, ҳам ўзлари мўмайгина даромад топишмоқда.

Хуллас, Кўкдалада бу борада катта тажриба мактаби яратаетганлар кўллаб топилади. Боиси, қишнинг изғиринида, яъни январь ойида иссиқхонада тарвуз кўчатларини етиштириб, ҳали совуқ заҳри кетмасдан плёнка остида парваришляб, апрель-май ойидаёқ ушбу полиз маҳсулотини савдога чиқариш, бу, фақат машаққатли меҳнат эмас, балки илм, иқтидор ва изланишни талаб этадиган катта жараён. Асосий майдони лалмкор, яйдoқ адриликлардан иборат бўлган бу ҳудудда эса деҳқончилик қилиш осон эмас.

...Кўкдаладан қайтар эканмиз, излаган имкон топишига, ҳаракат қилган асло кам бўлмаслигига амин бўлдик ва ўз ишининг устаси бўлган миришкор деҳқонларга тасаннолар айтиб, барака хирмонлари юксалверишини тиладик.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

МАЪРИФАТЛИ ХАЛҚ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИША ОЛАДИ

1 Юртимизда таълим-тарбия, илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог ҳодимлар, илмий ва иқдоркор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, тизимида хусусий сектор иш-тирокини кенгайтириш бош мақсадга айланди. Чунки тараққиёт локомотиви бўлган илм-фан, таълим-тарбия мамлакатини қудратли, миллилати буюк қилади. Шунинг учун дунёнинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш масаласи ҳамиша биринчи ўринда туради. Зотан, мамлакат раънақи айнан шунга боглиқ.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардoш кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмунини мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттирди. Унда олий ўқув юртиларида қамров да-



ражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўллаб аниқ йўналишлар белгилан берилган.

Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади. Айни пайтда ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини ва касб жозибадорлигини ошириш, педагоглар маҳоратини яхшилаш асосий стратегик вазифа сифатида белгиланган.

2021 йилда Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти сифатида фаолият юрита бошлаган олийғоҳимиз давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 21 июндаги “Педагогик таълим сифати-

ни ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, алоҳида Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти этиб қайта ташкил қилинди.

Айтиш жоизки, Финляндия таълим тизими бўйича дунёнинг энг илғор мамлакатларидан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакат тажрибаси асосида бир қатор йўналишлар билан бирга педагогларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Тўрқу амалий фанлар университети билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Ҳозирги пайтда институтимиз фаолиятини янги босқичга кўтариш, Шимолий Европа давлати олий таълим муассасалари билан кенг қамровли муносабатлар ўрнатиш, профессор-ўқитувчилар алмашину-вини йўлга қўйиш асносида ушбу мамлакатнинг ривожланган таълим тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш, педагогика институтлари бошқаруви ва таълим жараёнини трансформация қилиш, жаҳонда тан олинган фин педагогикасига босқичма-босқич ўтиш ва бошқа қатор долзарб масалалар бўйича ишлар давом этмоқда.

2025 йилга қадар Финляндия билан ҳамкорликда амалга ошириладиган таълим лойиҳаларига жалб этиладиган талабалар сони

оширилиши мўлжалланмоқда. Бунга кўшма таълим дастурлари ва бошқа лойиҳалар орқали эришилади. Шунингдек, Ўзбекистонда Финляндия олий таълим муассасалари филиалларини очиш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Ушбу мамлакат дастури асосида педагогларни тайёрлаш бўйича яна кўллаб лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Олийғоҳимизда талабалар учун финляндиялик мутахассислар тажрибаси асосида бир қатор йўналишлар билан бирга педагогларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Тўрқу амалий фанлар университети билан бир қаторда ўқитувчилар малакасини ошириш, илмий ҳодимлар алмашинуви ва кўшма таълим дастурлари ҳам йўлга қўйилди.

Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортиди. Жумладан, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари уй-жойга эга бўлиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб яшашини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши, фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг кафолаатланган ҳақини давлат ҳисобидан олишига ҳақлилиги ва бошқаларни санаб ўтишимиз мумкин. Бошқача айтганда, ижтимоий давлатга хос бўлган бар-

ча элементлар Конституциямизда акс этди. Бу эса халқаро майдонда ўз ўрнини топишга тобора интилаётган Ватанимизда миллият келажиги бўлган ёшлар таълим-тарбиясига эътибор нақадар муҳим эканини намоён этади.

Инсон қадри, унинг ҳаётдан розилиги, ҳақ-ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланиши ҳуқуқий демократик давлатнинг олий мақсади. Шу боис янгиланиш ва мазмунли ислохотлар, халқлик ҳуқуқ мезонлари, айниқса, тақдиримиз мезони — таълим ислохоти давр талабидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашув чоғида таълим масаласини алоҳида тилга олган эди: “Биз таълим, илм-фан ва инсон қадрилини ривожлантиришга устувор эътибор бериб келмоқдамиз. Чунки бугунги шиддатли рақобат замонида фақат билимли, маърифатли миллият ва давлат муносиб тараққиётга эриша олади”.

Умуман олганда, янгиланган Бош қомусимизда барча йўналишлар қаторида ёшлар таълими, ўқитувчилар қадр-қиммати том маънода ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган ва давлат доимий кафолатлаш мажбуриятини олади. Бу эса халқимиз, миллитимиз ҳаёт-мамоти-га дахлдор масалалар.

Акбар САФАРОВ, Ўзбекистон — Финляндия педагогика институти ректори вазифасини вақтинча бажарувчи.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ТАФСИЛОТЛАР

ХУНАРМАНДАРИМИЗ «НОМО FABER» ЛОЙИҲАСИГА ЛОЙИҲАСИГА КИРИТИЛДИ

Бухорода халқаро Микеланжело жамғармаси Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда халқ амалий санъати усталари учун семинар ва маҳорат сабоқлари ташкил этди.

Дастлаб “Кўкдалош” мадрасасида бўлиб ўтган маросимда ўзбекистонлик 11 нафар хунарманд Марказий Осиёда илк бор дунёга машҳур “Номо Faber” лойиҳаси рўйхатига киритилгани эълон қилинди. Айни чоғда ушбу лойиҳанинг юртимизга оид боби тақдироти ҳам ўтказилди.

— Ўзбекистон, хусусан, Бухоро азал-азалдан хунарманд усталар юрти бўлиб келган, — дейди халқаро Микеланжело жамғармасининг ихрочи директори Альберто Кавалли. — Қўхна Бухоронинг қай бир гўшасига борманг, шонли ўтмиш нафасини туюсиз. Бу ерда отабоболардан мерос хунарларнинг безавол асраб келинаётганини кўриш нақадар ёқимли. Бундай хунармандларнинг қўл меҳнати маҳсули бўлган асарларини дунёга танитиш, тадқиқот ишларини олиб бориш ниятимиз бор. “Номо Faber Guide” сайти орқали миллий хунармандчилик аъёнларининг виртуал макондаги намоиши ҳам дунё ахлини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Микеланжело жамғармаси ихдоркорлик ва хунармандчиликни кўллаб-қувватловчи муассаса бўлиб, у халқаро кўрғазмалар ташкилотчиси сифатида ҳам танилган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ИНФРАТУЗИЛМА ЯХШИЛАНДИ

Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида бошланган эзгу ташаббус доирасида 2 километр ички йўллар сағаллаштирилди. 3 километр ичимлик суви тармоқлари тортирилиб, мавжудлари жорий таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 4 километрлик табиий газ қувурлари таъмирланиб, 2 та табиий газ тақсимлаш қурилмаларида соэлаш ишлари амалга оширилди.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 359 дона янги электр узатиш тармоғи таянчлари ўрнатилди. Иккита трансформатор ва 11 километр тармоқ янгиланиши натижасида истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергияси барқарорлиги таъминланди.

— Ҳудудда чуқурлаштирилган табиий кўрик ўтказилиб, 53 та ҳолатда турли касалликлар аниқланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Бобожон Гафоров. — Жумладан, 35 кишига туман, 5 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларида даволаниш учун йўланмалар берилди. Ўн нафар бемор бепул дори-дармон билан таъминланиб, кундузги стационарда даволаниши тавсия этилди.

Ўз навбатида, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 5 нафар фуқарога табиий муассасаларда даволаниши ва жарроҳлик амалиётларини ўтказиши учун маблағ ажратилди. “Аёллар дафтери” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 нафар хотин-қизга олий таълим муассасаларидаги ўқишига контракт тўловлари учун сертификатлар топширилди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

BARCHA KORXONA, TASHKILOT, FERMER XO‘JALIKLARI VA MUASSASALARI RAHBARLARI DIQQATIGA!

SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI, CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NUKUS FILIALI

2022/2023 o‘quv yilida filialning bakalvriyat ta‘lim yo‘nalishlari bitiruvchilarini ish o‘rinlariga taqsimlash jarayoni boshlanganini ma‘lum qiladi

2022/2023 o‘quv yilida filialda o‘qishni tugatayotgan bitiruvchilarga turli korxona va tashkilotlardan 70 ga yaqin buyurtmalar kelib tushgan. Shu bilan birga, bitiruvchilarni ishga taqsimlashda respublikamizning barcha hududini qamrab olish, yuqori malakali mutaxassislarga ehtiyoji bor korxonalarning talablarini qondirish va bitiruvchilarga taqsimot jarayonida ish joyini tanlash imkoniyatini kengaytirish maqsadida Oliy o‘quv maskani tomonidan buyurtmalar qabul qilish davom etmoqta. Universitetni tamomlayotgan mutaxassislarga ehtiyoji bor xo‘jalik sub‘ektlari rahbarlari talabnoma va so‘rov xati bilan 2023-yil 15-iyungacha filial direktoriga murojaat qilishlari mumkin. Talabnomada buyurtmachining rekvizitlari (pochta manzili, telefon raqami) hamda taklif etilayotgan lavozim to‘g‘risidagi ma‘lumotlar to‘liq ko‘rsatilishi lozim.

Bundan tashqari, mutaxassislarga ehtiyoji bo‘lgan barcha korxona, tashkilotlar, shuningdek, tumanlar hokimlari, aholi bandligiga ko‘maklashish markazi mas‘ul xodimlari bitiruvchilar bilan bevosita suhbat o‘tkazish, ishga tanlab olish hamda shartnomalar rasmiylashtirish uchun filialning Marketing va talabalar amaliyoti bo‘limiga murojaat qilishlari mumkin.

Bitiruvchilar to‘g‘risidagi batafsil ma‘lumot bilan filial veb-sayti (https://sdvunf.uz/jda_tanishish_mumkin).

Yo‘nalishlar bo‘yicha quyidagi ma‘lumotlarni ilova qilamiz.

2022/2023 O‘QUV YILIDA BITIRUVCHI BAKALAVRLAR TO‘G‘RISIDA MA‘LUMOT

№	Taʼlim yoʻnalishi (Mutaxassisliklar)		Bitiruvchilar soni	Shundan		Tumanlar boʻyicha bitiruvchilar soni																Viloyatlar boʻyicha		
	Kodi	Nomi		Grand	Shartnoma	Nukus shahri	Qonlikoʻl tumani	Moʻynoq tumani	Amudaryo tumani	Taxiyatosh tumani	Beruniy tumani	Shumanay tumani	Qoraoʻzak tumani	Toʻrtkoʻl tumani	Ellikqalʼa tumani	Xoʻjayli tumani	Nukus tumani	Kegeyli tumani	Chimboy tumani	Taxtak oʻpir tumani	Qoʻngʻirot tumani	Xorazm viloyati	Surxondaryo viloyati	Buxoro viloyati
1	5410600	Zooinjeneriya (yilqichilik va tuyachilik)	22	10	13	4			4		2	1	2	1	1	1		1	1	3		1		1
2	5410600	Zooinjeneriya (baliqchilik)	25	10	15	3	4	2	1	2		2	1			2	3	2		2	1			
3	5440101	Veterinariya meditsinasi	26	10	17	5	3		2	1		1			2	1	2		5		1	5	1	
		Bakalavriyat boʻyicha	75	30	45	12	7	2	7	3	2	4	3	1	3	4	5	3	6	5	2	6	1	1

ИНСОН УМРИНИНГ БЕҒУБОР ФАСЛИ

Мамлакатимизда ҳам болалар келахатимиз ворислари, миллатимиз давомчилари сифатида эъозланади. Зеро, дунё халқларига хос эзгу фазилат — болажонлик халқимизда қадрият даражасига кўтарилган. Бу тарихнинг энг қийин ва мураккаб паллаларида ҳаётда ўз исботини топган ҳақиқат. Биргина мисол: Иккинчи жаҳон уруши пайтида уй-жойи вайрон бўлиб, ота-онасиз қолган, яқинларидан ажралган минглаб болалар Ўзбекистон бағрида Ватанга, Ўзбек хонадонларида ўз уйларига эга бўлди. Халқимиз уларни қайси дин, қайси миллат фарзанди бўлишидан қатъи назар, болам деб эркалади, меҳр бериб, бошини силади. Узининг бир бурда нонини ҳам ана шу болалар билан беиминнат баҳам кўрди.

Одамларимиз нафақат ўз фарзандининг, балки ҳар бир мурғак қалб икболи учун қайғуради. Ҳар сафар дуога қўл очаркан, Яратгандан эртамиз таянчи — ёш авлодининг бахту саодатини сўрайди. Фарзанд камолини кўришни ҳаётнинг мазмунини деб билади. Зеро, “Боланинг бегонаси бўлмайди”, “Бол ширин, болдан бола ширин”, “Фарзандинг — давлатинг”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” каби ҳикматли сўз ва мақоллар неча асрлардан буён тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб, яшаб келаётгани беҳиз эмас.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатланган, манфаатлари муҳофаза қилинган. Ўзбекистон бола ҳуқуқларига оид қатор халқаро конвенцияларга қўшилган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Янгиланган Конституциямизда ҳам вояга етмагандларнинг ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 77-моддасига кўра, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқишга, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

78-моддада эса фарзандлар ота-онанинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва

маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти экани қафолатланади. Аналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгиланди.

Юртимизда “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан бола ҳуқуқларининг қафолатлари соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган. Ушбу Қонунда мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Улар орасида боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, боланинг ҳуқуқи у туғилишидан аввал пайдо бўлади. Шу боис мамлакатимизда гўдақнинг, аввало, соғлом туғилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чақалоқлар дунёга келган кундан бошлаб тиббий назоратга олинаётди. Уларни турли касалликлардан, соғлом камол топишига хавф соладиган таъсирлардан асрашга катта эътибор берилмоқда. Пировардида мамлакатимизда гўдақлар ўлими тобора камаймоқда. Бу нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам қайд этилаётди.

Ўзбекистонда болаларни мажбурий меҳнатга жалб этишининг тўла бартараф этилгани том маънодаги тарихий воқеа бўлди. Шавкат Мирзиёев Президент сифатида ўз фаолиятини бошлаганидан кейин болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам беришга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида эътибор қаратди. Жумладан, талаба ва ўқувчиларни пахта йиғим-теримига жалб қилишни қатъан ман этди. Албатта, бу ҳеч қутилмаган ҳолат эди. Президент томонидан кўрилган чоралар АҚШ ва Европа ҳамжамияти эътиборини тортди. Хусусан, АҚШ Меҳнат департаменти томонидан Ўзбекистон пахтаси мажбурий ёки болалар меҳнати воситасида етиштирилган маҳсулотлар “қора рўйхати”дан чиқарилди. Юртимизда болаларнинг мажбурий меҳнатидан воз кечилгани бутунги кунда уларнинг эмин-эркин таълим олишлариغا замин яратмоқда.

Келахатимиз ворисларининг тинч-осуда, бахтли ҳаётини таъминлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир. Уруш бор жойда одам азоб ва ташвишдан бошқа нарсани кўрмайди. Пешонасига қанчалардир урушда бевоқифа ёхуд билвосита қатнашиш тақдир ёзилганлар яхши билишадикки, уруш, биринчи навбатда, болалар ва аёлларга қаттиқ зарба беради, уларни руҳан синди-

ради. Шу боис Президентимиз ташаббуси, қатъияти билан дунёнинг уруш ўчоғига айланган долғали минтақаларидан аёллар ва болаларнинг мамлакатимизга қайтарилаётгани инсонпарварлиқнинг олий намунаси сифатида жаҳоннинг қўллаб-даватлари томонидан тан олинмоқда.

Болаларни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таълимнинг бирламчи ва асосий бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизими қайта ислоҳ этилди. Замон талабларига мос янги боғчаларни қуришга, мавжудларини жаҳон андозалари даражасида таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилляпти. Мактабгача таълим ташкилотларида илғор тарбия услубларини кенг қўллаш, ўқув-мод-

ри ҳам йўлга қўйилди. Боғчаларда ўғил-қизларни соғлом овқатлантириш ҳамда уларга берилаётган озик-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлаш тегишли ташкилотларнинг доимий назоратида. Буларнинг барчаси болаларнинг соғлом, ақлан етук бўлиб улғайишига замин яратаётди.

Тизимдаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, изчил ҳал этиляпти. Болаларни боғчага қабул қилиш билан боғлиқ хужжатбозликлар, сансалорликларга барҳам бериш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги қарори билан Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат

Одамларимиз нафақат ўз фарзандининг, балки ҳар бир мурғак қалб икболи учун қайғуради. Ҳар сафар дуога қўл очаркан, Яратгандан эртамиз таянчи — ёш авлодининг бахту саодатини сўрайди. Фарзанд камолини кўришни ҳаётнинг мазмунини деб билади. Зеро, “Боланинг бегонаси бўлмайди”, “Бол ширин, болдан бола ширин”, “Фарзандинг — давлатинг”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” каби ҳикматли сўз ва мақоллар неча асрлардан буён тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб, яшаб келаётгани беҳиз эмас.

дий базани кучайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда соҳани кенг ривожлантириш учун хусусий секторга ҳам қўлай шарт-шароитлар яратилди. Боғчаларда ҳар бир тарбияланувчи бола учун давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар берили бошланди.

Бу борадаги ишлар ўз меъдаларини бермоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари сони 6 баробарга кўпайди. Олис ва чекка ҳудудларда минглаб оилавий боғчалар ташкил қилинди. Натижада мактабгача ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичи 70 фоиздан ошди. Тарбиячи ва педагоглар сони ҳамда сифатини оширишга ҳам аҳамият бериляпти. Шунингдек, педагог кадрларнинг малакасини тизимли ошириб бориш ишла-

хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Илгари болаларни боғчага жойлаштириш бўйича муносабатлар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари қабул қилинган бўлса, мазкур хужжатга мувофиқ эндиликда фуқаро бу масаладаги муносабатларини давлат хизматлари марказига ҳафтанинг хоҳлаган иш куни топириши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳар куни, шунингдек, онлайн режимида топириш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, энди ҳар бир ота-она мактабгача таълим муассасаларининг расмий веб-сайти орқали мавжуд бўш ўринлар, анкеталар рўйхати ҳамда навбатга киритилганлар тўғрисидаги маълумотлар билан доимий тарзда танишиб бориши мум-



С. ВОИДОВ ва Ю. БҲРИЕВ олан суратлар.

кин. Шу билан бирга, муножаат этувчи фарзандни боғчага жойлаштириш учун илгари 5 турдаги хужжатни тақдим қилган бўлса, янги тартибга кўра ундан фақат анкета тўлдириб талаб этилади ҳамда бу муножаат аввалгидек 10 кунда эмас, бир иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Юртимизда боланинг умумий ўрта таълим олиши мажбурий ва бепул. Ҳар йили мактаб остонасига илк бор қадам қўйган минглаб фарзандларимизга Президент совғаси — ўқув анжомлари бепул тақдим этиляпти.

Нафақат йирик шахарларда, балки мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўғил-қизларимиз сифатли таълим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратилмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум ва ногиронлиги бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга ошириляпти.

Янги тахрирдаги Конституциямизда таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланган бўлиши навқирон авлодга кўрсатилган оқсак гамхўрлик ифодасидир.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини вақтида пайқаш ва рўёбга чиқариш доимий эътиборда. “Беш муҳим ташаббус”, турли кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ҳар йили юзлаб ёш истеъдод эгаларини кашф этишга хизмат қилмоқда.

Бугун янгилаб фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимизнинг келажағи билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Ёшларимиз сиймосида бир неча хорижий тилини ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, қисқа вақтда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, қўзларидан ўт чақнаб турган навқирон ўғил-қизларни кўриб, қалбингизда ғурур-ифтихор туйғулари жўш уради.

Оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар орқали жаҳоннинг турли минтақаларида болалар савдоси, уларнинг ҳаётига таъовуз қилиш, эъравонлик, гаровга олиш, ҳўрлаш, ҳатто ички органларини пуллаш каби гайринсоний ҳодисалар рўй бераётганини кўриб кўнглимиз хира тортади. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, дунёнинг нотинч минтақаларида сўнгги ўн йилда 2 миллиондан зиёд бола бевоқифа қуролли тўқнашувлар натижасида ҳаётдан кўз юмган. Минглаб болалар ота-онасиз, бошпанасиз ва қаровчисиз қолган. Айрим давлатларда болалар ўртасида жиноятчилик, қотиллик, гнҳёвандлик, талончилик, ўғрилик каби иллатлар кўпайиб бормоқда.

Ана шундай ташвишли, ачинарли воқеалар ҳақида эшитганимизда она юртимизда ҳеч бир бола қаровсиз, халқимиз эътибори, давлатимиз гамхўрлиги ва меҳрибонлигидан четда эмаслигига шўқроналар айтмайиз. Зотан, янги Ўзбекистонда навқирон авлод энг бебаҳо бойлигимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ёруғ келахатимиз бунёдкорлари сифатида қадрланмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз “инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият”, деган таъминдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратишни янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганмиз. Бу борада, авваламбор, ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий гамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқдаимиз. Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш, уларнинг ўқиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш орқали келахатда ёшларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустаҳкам замин яратяптимиз. Зеро, бу каби эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиги билан қайтишига шўбаҳа йўқ.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

2022 йил якунлари бўйича

«ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ»

акциядорлик-тижорат банки (“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ) акциядорлари йиллик умумий йиғилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА

“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик-тижорат банки акциядорлари дикқатига

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кузатув кенгаши 2023 йил 27 июнь куни Тошкент вақти билан соат 10:00да Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 3-уй манзили бўйича жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бош офисининг мажлислар залида банк акциядорлари навбатдаги йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтишини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқаруvinинг 2022 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкни ривожлантириш стратегиясининг бажарилиши бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг 2022 йилдаги фаолияти натижаларига кўра, ички аудит ҳулосасини эшитиш.
3. Банкнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банк фойдасини тақсимлаш ва ҳар бир Кенгаш аъзосига корпоратив ил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш.
5. 2022-2023 корпоратив йилида Банк Кенгашининг ўзини ўзи ҳамда ҳар бир Кенгаш аъзосини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
6. Банкда корпоратив бошқарув тизими бўйича 2022 йил якунларига кўра ўтказилган халқаро (KPMG) мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
7. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини тузиш/узайтириш тўғрисида.

8. 2023 молия йили бўйича Банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.
9. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ нодавлат акциядорларининг ҳуқуқлари тенглигига риоя қилиши бўйича қўлланмани тасдиқлаш.
10. 2022 йил 24 июндаги Банк акциядорлари йиллик Умумий йиғилишининг 31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик-тижорат банки уставига (янги тахрирда) ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.
11. 2021 йил 30 декабрдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартиришлар киритишни тасдиқлаш.
12. 2020 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2020-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
13. 2019 йил 28 июндаги Банк акциядорлари йиллик Умумий йиғилишининг 31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
14. 2014 йил 13 июндаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 31-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон

саноат-қурилиш банки” акциядорлик-тижорат банки Тафтиш комиссия тўғрисидаги низомини (янги тахрирда), шунингдек, унга қилинган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни бекор қилиш.

15. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация тўлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш.

16. 2021 йил 30 декабрдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзолари ва Тафтиш комиссия аъзоларига мукофот ва компенсация тўлаш тўғрисидаги Низомни бекор қилиш.

17. 2021 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув кодексига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

18. 2019 йил 11 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 03/2019-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Корпоратив бошқарув қондаларига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

19. 2021 йил 28 майдаги Банк акциядорлари навбатдан ташқари Умумий йиғилишининг 01/2021-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБни 2021 — 2023 йилларда ривожлантириш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларига киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

20. Банк томонидан “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” (95413 ва 91501) ҳисобварағига ўтказилган ва 5 йилдан ўтган умидсиз кредитлар



бўйича қарздорликларни ҳисобдан чиқариш.

21. Осиё тараққиёт банкнинг Банк устав капиталига конвертация қилинадиган 50 млн АҚШ доллари микдоридagi миллий валюта — сўм эквивалентидаги кредит линиясини жалб қилиш тўғрисида.

■ Акциядорларни йиллик умумий йиғилишининг ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш насаси: 2023 йил 31 май.

■ Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2023 йил 21 июнь.

■ Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишга оид хужжатлар билан банкнинг www.sqb.uz корпоратив веб-сайтида танишишингиз ёки info@sqb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин. Шу билан бирга, ушбу хужжатлар билан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Корпоратив бошқарув хизматида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар иш кунлари соат 10:00дан 18:00гача танишиб чиқишингиз мумкин. Манзил: Шаҳрисабз кўчаси, 16 «А»-уй. Мўлжал: Ойбек метро бекати. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2023 йил 27 июнь куни йиғилиш ўтказиладиган

манзилда Тошкент вақти билан соат 10:00 да бошланиб, 10:55 да тугатилади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш учун:

- акциядор (жисмоний шахс)ни тасдиқловчи ҳужжат — паспорт билан;
- акциядор вакили — нотариал тасдиқланган ишоннома ва паспорти билан;
- юридик шахс мақомидаги акциядор (корхона раҳбарлари) ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт ёки гувоҳномаси, лавозимга тайинланганлик тўғрисидаги буйруқ нусхаси билан;
- юридик шахс мақомидаги акциядор вакиллари ишоннома (корхонанинг фирма бланкасида, мўхрланган), шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки гувоҳномаси) билан келишлари лозим;
- чет эл давлатининг қонунчилиги асосида расмийлаштирилган ишоннома апостили билан ёки консул хизмати томонидан легаллаштирилган шаклда тасдиқланган ва нотариус томонидан тасдиқланган ўзбек ёки рус тилида таржимаси билан тақдим этилади.

Маълумот учун телефонлар: 78-120-45-00 IP: 13-30; 94-711-13-75.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 641. 17 421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълоналр 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдлафалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Тошпирилди — 01.25 1 2 3 4 5 6